

Фарзанд доимо ота-онага ширин сўзларни айтиши вожибдир (бешинчи мақола)



11:04 / 01.09.2020 1805

islom.uz · 68 – ??????? ?????? ???-????? ????? ?????????? ??????? ?????????? (5)

Илло, қози қарз олишга изн берса, соқит бўлмайди.

Нафақа берувчи ғойиб бўлгани учун қози унинг нафақахўрларига унинг номидан қарз олиб, ишлатиб тураверишга изн берган бўлса, муддат ўтиши билан ҳам уларга берилган ваколат соқит бўлмайди.

Бола ота-онасига қанчалик эҳсон қилмасин, қанчалик ўзидан ортиқ кўрмасин, ўзининг дунёга келишига сабаб бўлганлари мукофотини қайтара олмайди.

Абу Бурда айтади:

«Абдуллоҳ ибн Умар яманлик бир кишининг ўз онасини елкасига опичлаб, хонаи Каъбани тавоф қилдириб юрганини кўрибди. У одам тинмай қуйидаги байтни ўқиб юрар экан:

«Онаизори учун бўйнини эгган теваман,

Тева минган она ҳориса-да, мен ҳоримасман».

У буни ўқир экан, Абдуллоҳга қараб:

«Эй Абдуллоҳ ибн Умар, мана шу хизматим билан мен онамнинг ҳаққини адо қила олдими?» – деб сўрабди.

Абдуллоҳ ибн Умар:

«Йўқ, бу хизматинг онамнинг сени туғиш пайтида бошидан кечирган тўлғоқларнинг биттасига ҳам тенг бўлолмайди», – дебдилар».

Бухорий ривоят қилган.

19. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири – фарзанд ота-она хизматида доимо шай туриши, ҳатто мушрик бўлсалар ҳам, уларнинг розилигини топиши лозимлиги.

Асмо бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Онам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида рағбат қилган ҳолида ҳузуримга келди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«Унга силаи раҳм қилайми?» – деб сўрадим.

«Ҳа», – дедилар».

Ибн Уяйна:

«Бас, бу ҳақда Аллоҳ аzza ва жалла «Аллоҳ сизларга дин борасида уруш қилмаганларга... (яхшилик ва адолат қилишдан) **сизларни қайтармас», оятини нозил қилди», – деган».**

Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.

Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг катта қизлари Асмо розияллоҳу анҳо мусулмон бўлиб, Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилиб кетган, мушрика оналари Маккада қолган эди. Мазкура онанинг номи Қийла бинти Абдулўззо бўлган.

Замон ўтиб, ҳалиги мушрика она – Қийла бинти Абдулўззо, қизимни кўрай, деб, унинг яхшилигидан умидвор бўлиб келган. Шунда Асмо бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳо мушрика она билан муслима қиз ўртасида муносабат қандай бўлиши кераклигини сўраб билиш учун Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келган. «Мушрика онамга силаи раҳм қилаверайми?» деб сўраганида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, қилавер», деганлар.

Демак, ота-она мушрик бўлса ҳам, фарзанд унга силаи раҳм қилиши, дунёвий ишларда яхшилик қилиб, иқтисодий ёрдам бериб, яхши гапириб, ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиши керак.

(Давоми бор)

[Тўртинчи мақола](#)

«Бахтиёр оила» китобидан